

18-боб. Насрония онага исломни арз қилиш



11:10 / 27.12.2018 3338

Абу Хурайрадан ривоят қилинади:

«Мен ҳақимда эшитган одам борки, яҳудийми, насронийми - барибир, мени яхши кўриб қолар эди. Онамнинг Исломга киришини жуда истардим, онам эса буни истамас эди. Онамга яна Исломни арз қилдим, у яна бош тортди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларга бориб, «Унинг ҳаққига дуо қилинг», дедим.

Ул зот дуо қилдилар. Мен онамнинг олдига қайтдим. Борсам, эшикни ичкаридан ёпиб олган экан. Шунда у:

«Эй Абу Хурайра! Мен мусулмон бўлдим!» деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хабарни етказдим ва:

«Мени ва онамни дуо қилинг!» дедим.

«Аллоҳим! Банданг Абу Ҳурайрани ва унинг онасини одамларга маҳбуб қилгин!» дедилар».

Шарҳ: Бошқа ривоятларда айтилишича, оналари Исломга кириб, ичкаридан эшикни ёпиб олиб, ғусл қилаётган бўладилар. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу буни эшитиб, тўхтаб қоладилар. Шунда оналари ичкаридан туриб: «Эй Абу Ҳурайра! Мен мусулмон бўлдим» дейдилар.

У киши яна қайтиб бориб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Онам мусулмон бўлибдилар, менинг ва онамнинг ҳаққимизга бир дуо қилинг», дейдилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳим! Банданг Абу Ҳурайрани ва унинг онасини ҳамма инсонларга маҳбуб қилгин», деб дуо қиладилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ана шу табаррук дуолари қабул бўлган экан, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуни ва у зотнинг оналарини ҳамма яхши кўрган экан.

Ушбу ҳадисдан онани динга чақириш бўйича бир нечта нарсаларни билиб оламиз. Мусулмон ўғил Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу насрония оналарини Исломга даъват қилиб, ялиниб-ёлворган. Жуда бўлмагандан кейин бориб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Онам мусулмон бўлсин, бир дуо қилинг», деб илтимос қилганлар. Оналари мусулмон бўлганларидан кейин яна қайтиб бориб, «Онам мусулмон бўлдилар, яна дуо қилинг», деганлар. Мусулмон фарзанд ота-онани Исломга яхшилик билан даъват қилиши, эҳтиром билан ҳаракат қилиши кераклигини шундан билиб оламиз.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- 1.** Мусулмон фарзанд бошқа диндаги ота-онасини Исломга чақириши собитлиги.
- 2.** Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу онасининг Исломга кириши учун интиқ бўлгани.
- 3.** Бировнинг Исломга кириши ҳақида дуогўйлардан дуо олиш борлиги.
- 4.** Дуонинг қабул бўлганини дуо қилувчига етказиб қўйиш яхши экани.
- 5.** Ўзи ва онаси учун дуо сўраш борлиги.

6. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари мустажоблиги.

7. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга ҳамма кишилар муҳаббат қилгани.